

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ**

**ЖИЗЗАХ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ
ИЖТИМОИЙ ФАНЛАР КАФЕДРАСИ**

ФОРИШ МАИШИЙ ХИЗМАТ КАСБ-ҲУНАР КОЛЛЕЖИ

С. Каримов

Ё. Жайноқов

**Диншунослик фанини ўқитишда инновацион технологиялардан
фойдаланишнинг ўзига ҳос хусусиятлари**

(услубий қўлланма)

ЖИЗЗАХ - 2016

С. Каримов, Ё. Жайноқов. Диншунослик фанини ўқитишда инновацион технологиялардан фойдаланишнинг ўзига ҳос хусусиятлари (услубий қўлланма) / Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги: - Жиззах ДПИ, 2016.-28 б.

Масъул муҳаррир: Б. Тошбоев

Тақризчи: Қ. Холиқов

Ҳамкорликда тайёрланган мазкур услубий қўлланма Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 06.11.2005 йил 241-сонли ҳамда Жиззах давлат педагогика институти ректорининг – 0-84-сонли буйруғлари асосида Олий таълим муассасалари кафедраларининг ўрта махсус, касб-ҳунар таълим муассасаларида филиалларини ташкил этиш ва ўқув, илмий, услубий, маънавий-маърифий ҳамкорлигини таъминлаш ижросини бажарилишини таъминлаш мақсадида яратилди.

Услубий қўлланма Жиззах ДПИ Ижтимоий фанлар кафедраси қарори билан нашрга тавсия этилган.

КИРИШ

Ҳозирги шароитда жамиятимизда динга янгича ҳолисона қараш ва муносабатнинг шаклланиши натижасида диншунослик фанини ўқитиш ҳам алоҳида ёндашувни тақозо қилмоқда. Зеро, Диншунослик фани талабаларда дин, унинг турли шакллари, таълимотлари, йўналишлари, мазҳаблари ҳақида тўғри илмий хулосалар чиқара оладиган, динийлик ва дунёвийлик муносабатларини асосли таҳлил қила оладиган илмий дунёқарашни шакллантириши ҳаётий заруриятга айланди. Шу сабабдан мазкур фан бўйича дарслик ва ўқув қўлланмалари яратиш ўзига ҳос инновацион ёндашувни талаб қилмоқда.

Хусусан, диншунослик фани ва бу фан бўйича яратилаётган қўлланмалар куйидаги жиҳатларни ўзида қамраб олиши лозим:

- диншуносликни ўқитиш ва ўрганиш жараёнида чуқур илмийлик, тарихийлик, холислик тамойилларига амал қилиниши;

- талабаларнинг диний онг даражасини ҳисобга олиш, диний ҳис-туйғуларига эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлиш талаб этилади. Динни қўпол (атеистик руҳда) танқид қилиш ёхуд диний ваъзхонлик қилиш, бир динни иккинчи диндан устун қўйиш қонунга зид эканлиги эътиборга олинishi лозим;

- талабалар мазкур фан мазмунини чуқур ўзлаштиришларига эришиш уларда дин ҳақида илмий дунёқарашни шакллантиради, олган билимлари асосида конкрет воқеа ва ҳодисаларга нисбатан онгли равишда ўз шахсий фикрларига эга бўлишларини таъминлаши;

- ушбу фан талабалар ёки бошқа шахслар муайян хатти-ҳаракатларининг давлат қонунларига, виждон эркинлиги тушунчасига мос ёки мос эмасликларини аниқлаш имкониятини шакллантириши лозим;

- мустақил Ўзбекистонда дин, диний ташкилотлар давлатдан ажратилган, динга эътиқод қилиш ёки қилмаслик ҳар бир кишининг шахсий иши эканлиги талабаларга тушунтириши, Дин маънавий маданиятнинг таркибий қисмларидан бири сифатида уни сиёсийлиштиришга йўл қўймаслик лозимлигини уқтириш курснинг асосий ва муҳим вазифаси бўлиши лозим;

Бундан ташқари, бугунги кунда таълимни ташкил этишга қўйиладиган муҳим талаблар орасида қисқа вақт орасида муайян назарий билимларни ўқувчиларга тўлиқ етказиб бериш, уларда маълум мавзу юзасидан кўникма ва малакаларни ҳосил қилиш, шунингдек, ўқувчилар фаолиятини назорат қилиш, улар томонидан эгалланган билим, кўникма ҳамда малакалар

даражасини баҳолаш вазифалари ҳам ўқитувчидан юксак педагогик маҳорат ҳамда таълим жараёнига нисбатан инновацион ёндашувни талаб этади. Аслида, инновация (инглизча Инноватион) – янгилик киритиш, янгилик демакдир. Инновацион технологиялар педагогик жараён ҳамда ўқитувчи ва ўқувчи фаолиятига янгилик, узгаришлар киритиш бўлиб, уни амалга оширишда асосан интрактив методлардан фойдаланилади. Интрактив методлар бу жамоа бўлиб фикрлаш деб юритилади, яъни педагогик таъсир этиш усуллари бўлиб, таълим мазмунининг таркибий қисми ҳисобланади. Яъни педагог ва ўқитувчи-ўқувчиларнинг биргаликда фаолият кўрсатиши орқали амалга оширилади.

Кенг маънода “Инновация” педагогик тизимга янгилик киритиш йўли билан таълим-тарбия жараёнини мақбуллаштириш, сифат ва самарадорлигини оширишни кўзда тутди. Педагогик тизимга киритилган янгилик сифат ва самарадорликка салбий таъсир қилиши ҳам мумкин. Биз тизимга унинг ички захира ва имкониятларини ҳисобга олган ҳолда сифат ва самарадорликни ошириш мақсадида киритилган янгиликларнигина инновация деб тушунамиз. Педагогик тизимни такомиллаштириб, юқори сифат ва самарадорликка эришишга оид ғоя, назария, қоида, шакл, методлар ва воситалар тизимини педагогик инновациялар сифатида қабул қилиш мумкин.

Инновацион технологиялар ўз моҳиятига, кўра субъектив хусусиятга эга, яъни, ҳар бир педагог таълим ва тарбия жараёнини ўз имконияти, касбий маҳоратидан келиб чиққан ҳолда ижодий ташкил этиши лозим. Қандай шакл, метод ва воситалар ёрдамида ташкил этилишидан қатъий назар инновацион технологиялар ўзининг қуйидаги хусусиятлари билан аҳамиятлидир:

- педагогик фаолият (таълим-тарбия жараёни)нинг самарадорлигини ошириши;
- ўқитувчи ва ўқувчилар ўртасида ўзаро ҳамкорликни қарор топтириши;
- ўқувчилар томонидан ўқув предметлари бўйича пухта билимларнинг эгалланишини таъминлаши;
- ўқувчиларда мустақил, эркин ва ижодий фикрлаш кўникмаларини шакллантириши;
- ўқувчиларнинг ўз имкониятларини рўёбга чиқара олишлари учун зарур шарт-шароитларни яратиши;
- педагогик жараёнда демократик ва инсонпарварлик ғояларининг устуворлигига эришишни кафолатлаши зарур.

Қуйида инновацион педагогик технологиялардан фойдаланиб яратилган семинар машғулотининг ишланмасини ҳавола этамиз.

Амалий машғулот мавзуси:

ДИНШУНОСЛИК ФАНИНИНГ ПРЕДМЕТИ, МАҚСАДИ ВА ВАЗИФАЛАРИ

Амалий машғулот режаси:

1. Диншунослик фанининг бахси, мақсад ва вазифалари.
2. Диннинг моҳияти. Илдизлари. Диннинг жамиятдаги вазифалари.
3. Диннинг пайдо бўлиши ҳақидаги қарашлар
4. Динлар таснифи.

Дастур:

Диншунослик фанини ўқитишдан кўзланган асосий мақсад. Диннинг жамиятдаги вазифалари. Дин ижтимоий ҳодиса сифатида. Диннинг пайдо бўлиш масаласи. Динлар таснифи. Динга берилган таърифлар. Диннинг ижтимоий вазифалари. Диний тафаккурнинг шахсий ва ижтимоий илдизлари. Динлар таснифи: уруғ қабила динлари; миллий динлар; жаҳон динлари; монотеистик ва политеистик динлар.

Мавзунинг қисқача баёни

“Диншунослик” дин, унинг келиб чиқиши, тарихий шакллари, ижтимоий моҳияти, муқаддас ёзувлар, эволюцияси, унинг жамият тарихида тутган ўрни, хурфикрлик ва диний фалсафа, илмий ва диний дунёқарашларнинг ўзаро муносабати каби дунёвий ва диний масалалар ҳақидаги илмий, жумладан фалсафий таълимот, аниқроғи ўқув предметиدير.

Диншуносликни тавсифи шундан иборатки, илоҳиётдан фарқли ўлароқ, у дин ҳақида фақат археология, этнография, тарих филология, фалсафа, психология каби фанлар берадиган илмий далилларга суянади. Уларнинг ўрганишни, таҳлил қилишни, умумлаштиришни амалга оширади; объектив олам, - табиат, жамият, инсон, унинг ҳаёти ҳақидаги, табиатдан ташқаридаги кучлар тўғрисидаги фикрларни тан олмайди, рад этади, илоҳиёт эса буларни тан олади, инкор этмайди.

“Диншунослик” курсининг предмети – кишилиқ жамияти тараққиётининг муайян босқичида пайдо бўлган барча дин шакллариининг маъносини, маънавий, ижтимоий, гносеологик ва психологик илдизларини, уларнинг таълимоти ва маросимчилигини, жамият ҳаётида тутган ўрни ва тамойилларини илмий асосда ўрганувчи, ўргатувчи фандир.

“Диншунослик” диннинг нималигини, унинг вужудга келиши ва ривожланиши, у маънавиятнинг биринчи элементи эканлигини, улардаги дунёвий, реал билимлар ёшларни тарбиясида ҳам зарурлигини уқтиради; У табиий, ижтимоий гуманитар фанларга суянади; муайян вазифаларни бажаради; Унинг ўз предмети, яна ўрганадиган, ўргатадиган мавзулари бор.

Мустақиллик изохли луғатида динга қуйидагича таъриф берилган: Дин ижтимоий ҳаётни, воқеликни, унинг ҳодисаларини ўзига хос тарзда инъикос эттирувчи ижтимоий онг шаклларида бири. Ибтидоий динлар ўша давр одамларининг табиат кучлари олдидаги ожизликлари, буларнинг сирларини аниқ билмасликлари, турли уйдирмаларга суриштирамай – нетмай ишонаверганликларининг оқибати сифатида юзага келди. Демак дин ибтидоий жамоа тўзими вужудга келган ва ўша даврда муайян одамларни дунёқарашининг акс эттирган.

Динга ишонишнинг амалий ифодаси турли хилдан иборат, урф-одат, маросим ва ҳар-хил диний ёзувлардир. Дин асосан, 5 та функцияни бажаради. Булар қаторига тўлдирувчилик, овитувчилик (компенсаторлик), бирлаштирувчилик (интегратив), тартибга солувчилик, назорат қилиб турувчилик (регулятив), алоқа боғловчилик (коммуникатив), тарбияловчиликдан иборат. Буларнинг олдинги тўрттаси анъанавий функциялардир: бешинчиси янги булиб, у айниқса ҳозирги замон исломига хосдир. Унинг диндорларни ахлоқли, одобли қилишга қаратилган дастурларига таалуклидир. Булар қуръон, ҳадисларда, ҳозирги дин арбобларининг асар, фатво, амалий тавсия, фаолиятларида, диний сатрларда яққол намоён булмоқда.

Хулоса шуки, дин ижтимоий ҳодисадир: У ибтидоий жамоада бундан тахминан 30-40 минг йиллар олдин мифологик, ялпи афсонавий дунёқарашдан сўнг пайдо бўлган: замонлар ўтиши билан унинг шакллари ўзгариб, ғоят кенг эволюцияни бошдан кечирган.

Диний эътиқоднинг амалий ифодаси ҳар хил: ибодат, урф-одат, маросим ва ёзувлардир. Дин ҳозир 5 та асосий функцияни бажаради.

“Диншунослик” курси ҳам “Фалсафа” предмети бажарадиган 5 та функциядан асосан 4 тасини, чунончи ижтимоий, гносеологик, дунёқарашлик, тарбиявий функцияларни бажаради. Методологик функцияни эса фақат фалсафа бажаради.

Диншунослик XIX аср ўрталарида Ғарбий Европада алоҳида фан тармоғи сифатида вужудга келган. Унинг асосчилари – Мюллер, Тайлор,

Тиле, Соссе, Фрейзердир.

Диншунослик мураккаб, синтетик, ялпи курама фан соҳасидир. Динни турли жиҳатлардан ҳар хил фанлар ўрганади. Масалан, динлар тарихи – ибтидоий жамиятдан то ҳозирги даврларгача ўтган динлар эволюциясини ўргатади: дин психологияси – динни инсон психик фаолияти билан боғлиқ ҳолда ўргатади; дин социологияси – динга ижтимоий ҳодиса сифатида ёндашишни, унинг ижтимоий функциясини ўргатади; дин антропологияси – алоҳида олинган шахс маданияти тизимида дин қандай роль ўйнашини ўргатади: дин феноменологияси – инсон ҳаётидаги диний феномен (ҳодиса)ларни ўргатади; дин фалсафаси – динни турли ғоя, қараш, таълимотлар тизими сифатида ўргатувчи фалсафадир: диний ахлоқ-умуминсоний ахлоқи ҳазинасидан дин танлаб, териб олиб, уларга тус берган хулқ-одоб, ўғит, панд-насихат, даъват, чеклаш, қоралаш, маъқуллаш, таъқиқлаш, рағбатлантиришларни ўргатади; диний эстетика ёки санъат - динни тасвирлаш, тавсифлаш, тарқатиш, диндорларни жалб этиш, мустаҳкамлаш диний ибодат амалларини ўтказишга ёрдам берадиган бадиий билимларини ўргатади, диний ташкилотлар – динни ривожлантириш, уни ўқитиш, диндорлар орасига тарқатиш, кадрлар тайёрлаш, душманлардан ҳимоя қилиш, давлат ва нодавлат ташкилотлари билан алоқа боғлаш каби вазифаларни бажаради.

Динлар унга эътиқод қилувчиларнинг сони, миқёси, ўзининг маълум миллат ёки халққа ҳослиги ёхуд миллат танламаслигига кўра турли гуруҳларга бўлинади:

1. Уруғ-қабила динлари - тотемистик, анимистик тасаввурларга асосланган, ўз уруғидан чиққан сеҳргар, шомон ёки қабила бошлиқларига сиғинувчи динлар. Улар миллат динлари ва жаҳон динлари ичига сингиб кетган бўлиб, ҳозирда Австралия, Жанубий Америка ва Африкадаги баъзи қабиаларда сақланиб қолган;

2. Миллат динлари - маълум миллатга хос бўлиб, бошқа миллат вакиллари ўзига қабул қилмайдиган динлар. Уларга яҳудийлик (яҳудий миллатига хос), ҳиндуийлик (ҳиндларга хос), Конфуцийчилик (хитой миллатига хос), синтоизм (японларга хос) киради;

3. Жаҳон динлари - дунёда энг кўп тарқалган, кишиларнинг миллати ва ирқидан қатъиназар унга эътиқод қилишлари мумкин бўлган динлар. Унга буддавийлик, христианлик ва ислом дини киради.

Бундан ташқари динлар таълимотига кўра **монотеистик** - яккахудолик (яҳудийлик, ислом) ва **политеистик** - кўпхудолик (ҳиндуийлик, конфуцийчилик) динларига бўлинади.

Машғулотнинг мақсади: Диншунослик фани баҳси, мақсади ва вазифалари, Диннинг моҳияти. Илдизлари. Диннинг жамиятдаги вазифалари. Диннинг пайдо бўлиши ҳақидаги қарашлар шунингдек Динлар таснифи тўғрисида билим ҳосил қилиш

Машғулот жараёнида ўқитувчи:

- мавзунини мустақил ўрганиш учун асос яратади;
- мавзу бўйича билимларни чуқур ўзлаштиришга ва мустаҳкамлашга ёрдам беради.
- кичик гуруҳларда ишлашни ташкил қилади.
- ўз нуқтаи назарига ега бўлишни шакллантиради.


Машғулот жараёнида талаба:

- амалий машғулоти режалари билан олдиндан танишиб чиқиб, тайёргарлик кўради.
- Курснинг мақсади ва вазифаларини ёритиб бера оладилар.
- Диннинг моҳияти, жамиятдаги вазифаларини айтиб бера олади.
- Диншуносликни бошқа фанлар билан ўзаро боғлиқлигини тушунтиради
- Диннинг пайдо бўлиши ва унинг масалалари ҳақида ўз эркин фикрини намойиш этади.
- Динларни таснифлаб беради


1-босқич. Мавзуга кириш. (10 минут) Ўқитувчи томонидан Ўқув машғулотини мавзуси, мақсади ва ўқув фаолияти натижаларини айтади. Таълим жараёнида Аклий ҳужум, қор бўрон, вен диаграммаси, кластер методлари орқали амалга оширилишини ёллон қилади.

Талабаларни фикрларини жонлантириш мақсадида “Аклий ҳужум” Техникасидан фойдаланган ҳолда амалий машғулотни бошлайди. Бу метод бир зумда аудиториядаги барча ўқувчи-талабаларни камраб олиб уларни актив ҳолатга келтиради. Режа юзасидан ўқувчи-талабаларга бериладиган саволлар мажмуаси ўқитувчи томонидан олдиндан тайёрланган бўлиши ишда яхши натижа беради. Аклий ҳужум методи қуйилган муаммо ечимига боғлиқ равишда 5-10 дақиқа давом этиши мумкин. Бунда ўқувчи- талабаларнинг бераётган жавобларига на ўқитувчининг ва на бошқаларнинг аралашуви, ҳар қандай фикр билдиришларига йул қуйилмайди ва натижалар баҳоланмайди, баллар қуйилмайди.

- 1. Диншунослик фанининг предметини нималар ташкил этади?*
- 2. Диншунослик фанининг мақсади қандай?*
- 3. Диншунослик фанининг қандай вазифалари бор?*
- 4. Диншунослик фанининг бошқа фанлар билан алоқалари қандай?*




***Диншунослик фанининг предмети нималар
ташкил этади?***




Диншунослик фанини ўқитишдан мақсад:

- ***талабаларга диннинг келиб чиқиши,***
- ***волюцияси,***
- ***ҳозирги даврдаги ҳолати,***
- ***инсоният ҳаётида тутган ўрни*** ҳақида
умумий илмий тушунчалар беришдан иборат.

Диншунослик фанининг вазифалари



«Қандай» органайзерини тўлдириш



5(1.2)-Илова

Диншунослик фанининг вазифалари қуйидагилардан иборат:

1

• дин ва диний эътиқод ҳақида илмий, дунёвий тасаввур ҳосил қилишга ёрдам бериш;

2

• диннинг инсон ҳаётида тутган ўрни ва мавқеи ҳақида тўғри тушунчани шакллантириш;

3

• киши маънавиятида маънавий бўшлиқ (вакуум) юзага келишига йўл қўймаслик, турли ғайритабиий ва ғайринисоний диний қарашлар шаклланишининг олдини олиш.

2-босқич. Талабаларни 3 та кичик гуруҳларга бўлади, **Қор бўрон технологияси** билан таништиради ва Диннинг моҳияти, илдизлари. Диннинг жамиятдаги вазифаларига оид савволлар билан ўзаро савол жавобларда қатнашишини сўрайди

Қор бўрон технологиясида муҳокама учун саволлар

1. Диннинг моҳиятини қандай изоҳлайсиз?
 2. Диннинг инсон ҳаётидаги аҳамияти қандай?
 3. Диннинг инсон маънавиятини оширишдаги аҳамияти нималардан иборат?
 4. Комил инсонни тарбиялашда диннинг ўрни қандай?
 5. Юртимиздан етишиб чиққан қайси алломалар ислом дини, ҳадис илмини кенг ёйишга ўзларини ҳиссаларини қўшган?
 6. Мустақил Ўзбекистонда динга бўлган муносабат қандай?
- Дин қандай функцияларни бажаради?

Ушбу услубда икки гуруҳ ўқувчилари бир муаммо ёки вазиятни энг кўп миқдорда тўғри жавоблар олиш мақсадида биргаликда муҳокама қилишади. Масалан, ўрганилаётган мавзуга доир савол топшириқлар берилади.

Ҳар бир тўғри жавоб «юмалоқланган қор» кўринишида ўша гуруҳга балл тариқасида ёзиб қўйилади. Энг кўп балл олган гуруҳга аъло баҳолар қўйилади.

Диннинг илдизлари:

-психологик

гноцологик,

ижтимоий-иқтисодий.

Дин асосан, 5 та функцияни бажаради:

- 1) тўлдирувчилик, овитувчилик
(компенсаторлик),
- 2) бирлаштирувчилик (интегратив),
- 3) тартибга солувчилик, назорат қилиб
турувчилик (регулятив),
- 4) алоқа боғловчилик (коммуникатив),
- 5) тарбияловчи

3-босқич. Ўқитувчи гуруҳларга “*венн диаграммаси технологияси*”дан фойдаланган ҳолда “диннинг пайдо бўлиши ҳақидаги ёндашувлар” дан бирини ҳар бир гуруҳ изоҳлашини айтади доскага диаграмма чизади.


Талабалар-“*Венн диаграммаси технологияси*”дан фойдаланган ҳолда “диннинг пайдо бўлиши ҳақидаги ёндашувлар” дан бирини ҳар бир гуруҳ изоҳлаб доскада чизилган диаграммага ёзади. Бу методдан урганилган, бир-бирига боғлиқ мавзуларни таҳлил қилиш, солиштириш, такқослаш ва мустаҳкамлашда фойдаланиш яхши самара беради. Ундан фойдаланиш босқичлари:

-талаба-уқувчилар икки гуруҳга бўлинади; -плакатга чизилган диаграмма доскага осиб қўйилади; -ҳар бир тугри фикрга қўйиладиган балл олдиндан келишиб олинади;

-қўйилган топширик бўйича гуруҳларнинг ҳар қандай тугри ёки нотугри фикрлари бир талаба-уқувчи томонидан икки хил рангдаги фламастерда диаграмманинг тегишли жойларига ёзиб борилади;

-кичик гуруҳ ичидан бирор талаба-уқувчи шерикларининг исми-шарифлари тугрисига улар айтган фикрларни қайд қилиб боради;

-фикр билдиришлар ниятига етгач уқитувчи ва талаба- уқувчилар ҳамкорлигида тугри ва нотугри жавоблар аниқланади;




*** Диннинг пайдо бўлиши муаммосига ёндашув ва уларни ҳал этиш усуллари билан ўзаро фарқ қиладиган икки қарама-қарши оқим вужутга келган**

Биринчи оқим
 тарафдорлари
 одамларнинг
 худога эътиқод
 қилиши
 сабабларини руҳий
 (идеал) кучларнинг
 объектив
 мавжудлиги билан
 боғлаб
 тушунтирганлар;



Иккинчи оқим
 тарафдорлари эса
 диннинг вужудга
 келишини табиий
 ва ижтимоий
 сабабларини
 ахтариб топишга
 ҳаракат қилганлар.

4-босқич: Ўқитувчи доскага кластер чизади ва талабалардан динларни кластер усулида таснифлашларини сўрайди. Талабалар кластердан фойдаланиб динларни таснифлайди ва ўзи ёзган қисмни изоҳлаб беради. Фикрларнинг тармокланиши бу педагогик стратегия булиб у талаба-уқувчиларни бирор-бир мавзунини чуқур урганишларига ёрдам бериб талаба-уқувчиларни мавзуга тааллуқли тушунча ёки аниқ фикрни эркин ва очик равшан кетма-кетлик билан узвий боғлаган ҳолда тармоклашларига ургатади.



Динлар унга эътиқод қилувчиларнинг сони, миқёси, ўзининг маълум миллат ёки халққа хослиги ёхуд миллат танламаслигига кўра турли гуруҳларга бўлинади:

1. Уруғ-қabila динлари

2. Миллат динлари

3. Жаҳон динлари

Тотемизм

- Шимолий Америкада яшайдиган **Ожибва** қабиласи тилида «унинг уруғи» маъносини англатади. Унинг моҳияти «одамларнинг ҳайвонот ёки ўсимликнинг муайян турларига қариндошлик алоқалари бор», деб эътиқод қилишдир
- **Зооантропоморф** - аралашган ҳолда одам билан унинг тотеми қариндошлиги орасида оилавий муносабатлар ҳақида, яъни одам вафот этгач унинг ўз тотемига айланиши ёки аксинча - тотемдан қайта инсон шаклига келиши ҳақидаги тасаввурлар пайдо бўлди
- **Табу** - таъқиқлаш тизими пайдо бўлди. Улардан энг муҳими тотемни овқат сифатида истеъмол қилишни таъқиқлаш эди. Фақатгина баъзи диний маросимларда руҳонийлар ёки қabila бошлиқларига тотемни ейиш рухсат этиларди
- Масалан: Ҳиндистонда *сигир*, Австралияда *кенгуру*, Қирғизларда *оқ бузу* афсонавий бахт келтирувчи ҳайвон сифатида улуғланади

Анимизм

- (лотин тилида **anima** - рух, жон маъноларини англатади). Анимизм руҳлар мавжудлигига ишонч, табиат кучларини руҳлантириш ҳайвонот, ўсимлик ва жонсиз жисмларда руҳ, онг ва табиий қудрат борлиги ҳақидаги таълимотни илгари сурувчи илк дин шаклларида бири
- Тотемизм маълум бир оилавий гуруҳнинг ички истеъмолига уни бошқалардан фарқлаш мақсадига йўналтирилган бўлса, **анимистик** тасаввурлар кенг ва умумий ҳарактерга эга. Шу билан бирга у табиатнинг қудратли кучларини - осмон ва ер, қуёш ва ой, ёмғир ва шамол, момақалдиروق ва чакмоқ тоғлар ва дарёлар, адир ва ўрмонлар каби одам эътиборини тортувчи нарса ва жисмларга ҳам илоҳий муносабатда бўлар уларни илоҳийлаштириб, уларда руҳ мавжуд деб билар эди.


Шомонлик ёхуд сеҳргарлик

- Сеҳргарлик (афсун, магия) реал натижалар олиш учун илоҳий кучларга таъсир этиш мақсадида амалга ошириладиган ритуал - урф-одатлар мажмуасидир. У тотемизм ва анимизм билан бир вақтда пайдо бўлиб, у орқали кишилар ўз тотемлари, ота-боболарининг руҳлари билан ҳаёлан боғланишни амалга ошириб келганлар. Одатда афсунгарлик урф-одатлари билан махсус одамлар - шаманлар, афсунгарлар шуғулланганлар. Шаманлар, одатда, маълум ритуал ҳаракатлар орқали овоз чиқариш, ашула айтиш, рақсга тушиш, сакраш йўли билан ногоралар ва қўнғироқлар овозлари остида ўзларини жазавага солиб, ўзини йўқотиш, жазаваининг юқори нуқтасига етказиш билан афсунгарлик қилишган

Афсунгарлик мақсадга кўра қуйидагиларга бўлинади

- 1) Зарар келтирувчи - ёвуз афсунгарлик. Унинг мақсади кимгадир зарар етказишдан иборат;
- 2) Ҳарбий афсунгарлик. Бу душманга қарши ишлатилади (масалан, қурол-аслаҳаларни сеҳрлаш);
- 3) Севги афсунгарлиги. Ундан «иссиқ» ёки «совуқ» қилиш мақсадида ишлатилади.
- 4) Тиббий афсунгарлик. Ундан даволаш мақсадида фойдаланиш.
- 5) Об-ҳаво афсунгарлиги





Сўнги босқичда ўқитувчи “Блис-сўров” усулидан фойдаланиб фаол бўлмаган талабалар тайёргарлигини синаб кўради

Блиц- саволлар:

1. Диншунослик фани қачон шаклланган?
2. Диншунослик нима учун қоришиқ фан ҳисобланади?
3. Диншунослик фанининг мақсади қандай?
4. Диншунослик фанининг қандай вазифалари бор?
5. Дин нима?
6. Диннинг пайдо бўлиши ҳақида қандай назарияларни биласиз?
7. Диннинг қандай илдизларини биласиз?
8. Дин жамиятда қандай вазифаларни бажаради?
9. Динлар қандай таснифланади?
10. Диншунослик ўқув предмети нимани ўргатади?
11. Диншунослик курсининг вазифалари нималардан иборат?
12. Диншунослик фанининг атиезм ва илоҳиёт фанларидан фарқи нимада?
13. Диннинг пайдо бўлиши ҳақидаги фикрлар.
14. Дин тушунчасигага берилган таърифлар.
15. Диннинг ижтимоий ва маънавий-руҳий вазифалари
16. Динийнинг шахсий ёки ижтимоий илдизлари.
17. Динлар таснифи: уруғ-қабила динлари, миллий динлар, жаҳон динлари, монотеистик ва политеистик динлар.
18. Диннинг ибтидоий шакллари
19. Ўзбекистон Республикасида виждон эркинлигининг ҳуқуқий асослари
20. Ўзбекистонда фаолият кўрсатаётган диний конфессиялар.

Якуний босқичда ўқитувчи мавзу бўйича якунловчи хулосалар қилади. Мавзу мақсадига эришишдаги талабалар фаолияти таҳлил қилинади ва баҳоланади.

Мавзунини мустаҳкамлаш учун тест вариантлари

1. Диннинг ижтимоий илдизлари ?

- А. Диний ишончнинг туғдирувчи ва такрорланб туриши учун имконият яратувчи ижтимоий ҳаётнинг объектив омиллари.
- Б. Ишлаб чиқарувчи кучларнинг суст ривожланганлиги оқибати.
- С. Кишиларнинг табиат кучлари олдидаги ожизлигининг оқибатлари.
- Д. Кишиларнинг бир-бирларига бўлган муносабатларининг чегараланганлигининг оқибатлари.
- Е. Тушунчалар билан объектив оламдаги муайян нарса ва ҳодисаларнинг мос келмаслиги.

2. Диний ташкилот нима?

- А. Диний эътиқодлар ва маросимларнинг умумийлиги асосида бир динга ишонувчиларнинг ва диний жамоаларнинг профессионал рухонийлар бошчилигидаги буйсуниш системасига эга бўлган уюшмаси.
- Б. Асосий диний йўналишнинг ичидаги оппозицион оқимлар.
- С. Ғайритабиий кучларга ишонч туфайли пайдо бўлган ғоялар ва образларнинг йиғиндиси.
- Д. Диний тасаввурлар системаси билан боғланган ҳамда диний таълимотнинг муайян жиҳатини хиссий-образли акс еттирадиган махсус ҳатти-ҳаракатлар, маросимлар, тантаналар мажмуаси.
- Е. Ғайритабиий кучларга ишонч туфайли пайдо бўлган ҳиссиёт ва туйғуларнинг йиғиндиси.

3. Диннинг асосий ижтимоий вазифаси нима ?

- А. Хом ҳаёл, тўлдирувчилик
- Б. Дунёқараш
- С. Жамловчилик
- Д. Алоқа
- Е. Тартибга солувчилик

4. Диннинг келиб чиқиши ҳақидаги асосий қарашлар қуйидагилардан қайси бири?

- А. Диний ва илмий
- Б. Идеалистик ва материалистик
- С. Насронийларча ва мусулмонларча

- Д. Метафизик ва диалектик
- Е. Диний ва нодиний

5. Нарсалардаги ёки улардан алоҳида мавжуд бўлган рухий моҳиятга ишонч қайси диннинг хусусияти?

- А. Магия
- Б. Фетишизм
- С. Тотемизм
- Д. Анимизм
- Е) Дунёвий (жахон)

6. Қабила бошлиқларининг шахсига сиғиниш қайси динларга хос?

- А. Дунёвий (жахон)
- Б. Ибтидоий
- С. Миллий
- Д. Уруғ-қабилавий
- Е. Тўғри жавоб йўқ

7. Диннинг ибтидоий шакллари қайсилар?

- А. Магия, иудаизм, жайнизм, зороастризм
- Б. Фетишизм, тотемизм, магия, анимизм
- С. Фетишизм, буддизм, қабила бошлиқларининг шахсига сиғиниш, ислом
- Д. Христианлик, тотемизм, синтоизм, табиатни илоҳийлаштириш
- Е. Анимизм, аجدодлар руҳига сиғиниш, конфуцийчилик

8. Жахонда эътиқод қилувчилари сони жиҳатидан энг катта миллий дин қайси ?

- А. Ҳиндуизм
- Б. Иудаизм
- С. Синтоизм
- Д. Даосизм
- Е. Конфуцийлик

9. Даосизм қандай дин?

- А. Генотеистик
- Б. Монотеистик
- С. Политеистик
- Д. Пантеистик
- Е. Деистик

10. Энг қадимги жахон дини қайси?

- А. Буддизм
- Б. Христианлик

- С. Ислом
- Д. Иудаизм
- Е. Ҳиндуизм

11. Ўзбекистон Республикасининг «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги қонуни қайси йилда қабул килинди?

- А. 1990 й
- Б. 1991 й
- С. 1992 й
- Д. 1988 й
- Е. 1977 й

12. Асосан бир элат ёки миллат вакиллари қандай динларга эътиқод қилади?

- А. Дунёвий
- Б. Миллий
- С. Уруғ-қабилла
- Д. Яккаҳудолик
- Е. Кўпҳудолик

13. Ўзбекистон Конституциясининг қайси моддалари дин масалаларига бағишланган?

- А. 52,32,117 моддалари
- Б. 37,44,19 моддалари
- С. 18, 31, 61 моддалари
- Д. 14,27,64 моддалари

14. Тотемизм нима?

- а) тарихий дин шаклларида бири;
- б) ибтидоий жамоада турли хайвонларни уруғга асос солган деб ҳисоблаб, илохийлаштириш ва сиғиниш;
- в) туш кўриш ва бошқа ирим-сиримларга ишониш;
- г) жонсиз нарсаларни илохийлаштириш ва сиғиниш.

15. Диннинг асосий тарихий типлари қуйидагилардан қайси бири?

- А. Уруғ-қабиллавий, миллий-давлат ва жаҳон
- Б. Дастлабки, давлат ва ҳозирги
- С. Буддизм, христианлик ва ислом
- Д. Монотеистик ва политеистик
- Е. Қадимги, янги ва замонавий

16. Жаҳон динлари қуйидагилардан қайсилари?

- А. Буддизм, христианлик, ислом
- Б. Ислом, иудаизм, синтоизм

- С. Христианлик, ҳиндуизм, зороастризм
- Д. Буддизм, баптизм, фетишизм
- Е. Ислом, конфуцийчилик, магия

17. Диний тасаввурлар ва умуман динни инкор қилувчи хурфикрлик шакли нима?

- А. Дахрийлик
- Б. Пантеизм
- С. Деизм
- Д. Скептисизм
- Е. Индифферентизм

18. Одамлар гуруҳи (уруғи, қабиласи) билан ҳайвон ва ўсимликларнинг муайян тури ўртасида ғайри табиий алоқадорлик, қон-қариндошлик борлиги тўғрисидаги ишонч (эътиқод) қайси диннинг хусусияти?

- А. Фетишизм
- Б. Тотемизм
- С. Анимизм
- Д. Магия
- Е. Синтоизм

19. Уруғ-қабила динларининг ўзига хос хусусиятлари қайсилар?

- А. Улар одатда, муайян етник умумийлик чегарасидан чиқмайди, елатлар ва миллатларнинг шаклланиш жараёнларини акс эттирадилар
- Б. Улар уруғ-қабилалар иттифоқларининг ижтимоий муносабатларини акс эттириб, уларда магияга оид ва анимистик эътиқодлар, тотемизм ва фетишизм унсурлари, табиатни илоҳийлаштириш, аجدодлар руҳига ва қабила бошлиқларининг шахсига сиғиниш бор
- С. Улар миллатидан қатъий назар барча халқларга қаратилган
- Д. Улар монотеистик динлардир
- Е. Улар қадимги дунёнинг қулдорлик давлатларида шаклланган ижтимоий-сиёсий тартибларни акс эттиради ва ёритади

20. Ислом динининг Муқаддас китоби нима деб аталади?

- А. Авесто
- Б. Қуръон
- С. Трипитака
- Д. Инжил

ТАЯНЧ ТУШУНЧАЛАР ИЗОҲЛИ ЛУҒАТИ

- Анимизм** (лотин тилида **anima** - руҳ, жон маъноларини англатади). Анимизм руҳлар мавжудлигига ишонч, табиат кучларини руҳлантириш ҳайвонот, ўсимлик ва жонсиз жисмларда руҳ, онг ва табиий қудрат борлиги ҳақидаги таълимотни илгари сурувчи илк дин шаклларида бири
- Атеизм** (юн. *a* - инкор қўшимчаси, *theos* – худо; худони, динни инкор этиш) – илоҳий кучларга эътиқод қилишни инкор этиш. Бизда у қадимдан “дахрийлик”, “худосизлик” каби атамалар билан юритиб келинган.
- Шомонлик** («шомон» сўзининг тунгус тилидаги маъноси «сеҳргарлик»). Сеҳргарлик (афсун, магия) реал натижалар олиш учун илоҳий кучларга таъсир этиш мақсадида амалга ошириладиган ритуал - урф-одатлар мажмуасидир.
- Дин** (араб. ишонч, ишонмоқ) — 1) ижтимоий -маънавий ҳаёт ҳодисаси, илоҳий кучларга ишонч-эътиқод асосида шаклланган ғоя ва қарашлар тизими; 2) борлиқни яратувчи ва бошқарувчи олий мавжудот, яъни Худога нисбатан муносабат, тасаввур, урф-о. ва маросимлар мажмуи.
- Диншунослик**- дин, унинг келиб чиқиши, тарихий шакллари, ижтимоий моҳияти, муқаддас ёзувлар, эволюцияси, унинг жамият тарихида тутган ўрни, хурфикрлик ва диний фалсафа, илмий ва диний дунёқарашларнинг ўзаро муносабати каби дунёвий ва диний масалалар ҳақидаги илмий, жумладан фалсафий таълимот, аниқроғи ўқув предмети
- Диний бағрикенглик** – турли диний эътиқоддаги кишиларнинг олижаноб ғоя ва ниятлар йўлида ҳамкор ва ҳамжиҳат бўлиб яшаши, кишилиқ жамияти равақати йўлида хизмат қилишини англатадиган т. Ҳозирги вақтда бу эзгу ғоя нафақат диндорлар, балки жамиятнинг барча аъзолари ўртасидаги ҳамкорлик ва баҳамжиҳатликни назарда тутди.
- Диний экстремизм** — экстремизмнинг диний соҳада намоён бўлиш шакли. Д.э. муаммоларни ҳал этишда ўта кескин чоратadbирларни, фикр-қарашларни ёқловчи наз-я ва амалиётни англатади. У намоён бўлиш кўламига кўра, ҳудудий, минтақавий, халқаро шаклларга бўлинади.

Дунёнинг мафкуравий манзараси — жаҳонда рўй бераётган ғоявий жараёнлар, мавжуд мафкура шакллари, уларнинг моҳияти, мақсадлари ва ўзаро муносабатлари билан боғлиқ ҳолат, ҳус-ят ва фаолиятини яхлит тарзда акс эттирувчи т.

Уруғ-қабила динлари - тотемистик, анимистик тасаввурларга асосланган, ўз уруғидан чиққан сеҳргар, шомон ёки қабила бошлиқларига сиғинувчи динлар. Улар миллат динлари ва жаҳон динлари ичига сингиб кетган бўлиб, ҳозирда Австралия, Жанубий Америка ва Африкадаги баъзи қабилаларда сақланиб қолган;

Миллат динлари - маълум миллатга хос бўлиб, бошқа миллат вакиллари ўзига қабул қилмайдиган динлар. Уларга яҳудийлик (яҳудий миллатига хос), ҳиндуйлик (ҳиндларга хос), Конфуцийчилик (хитой миллатига хос), синтоизм (японларга хос) киради;

Жаҳон динлари - дунёда энг кўп тарқалган, кишиларнинг миллати ва ирқидан қатъиназар унга эътиқод қилишлари мумкин бўлган динлар. Унга буддавийлик, христианлик ва ислом дини киради.

Тотемизм- тотем сўзи - Шимолий Америкада яшайдиган *Ожибва* қабиласи тилида «унинг уруғи» маъносини англатади. Унинг моҳияти «одамларнинг ҳайвонот ёки ўсимликнинг муайян турларига қариндошлик алоқалари бор», деб эътиқод қилишдир

Фетишизм (фетиш сўзи французча *fetich* – бут, санам; тумор маъносидаги сўзни англатади). Унинг моҳияти табиатдаги жонсиз предметларга сиғинишдир. Унга кўра алоҳида буюмлар кишининг ўз мақсадига эриштириш, маълум воқеа-ҳодисаларнинг ўзгартириш кучига эга. Фетиш ҳам ижобий ҳам салбий таъсир этиш кучига эга. Фетишизм ёғоч, лой ва бошқа материаллардан ясалган буюмлар пайдо бўлиши билан бир пайтда шаклланган.

Шомонлик («шомон» сўзининг тунгус тилидаги маъноси «сеҳргарлик»). Сеҳргарлик (афсун, магия) реал натижалар олиш учун илоҳий кучларга таъсир этиш мақсадида амалга ошириладиган ритуал - урф-одатлар мажмуасидир.

ТАВСИЯ ЭТИЛАДИГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни. 1997 йил 29 август.
2. Ўзбекистон Республикасининг «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида» ги Қонуни.1997 йил 29 август.
3. Каримов И.А. Юксак маънавият - енгилмас куч. - Т.: «Маънавият», 2008. -176 б.
4. Karimov I.A. O‘zbekiston mustaqillikka erishish ostonasida. - Т.: O‘zbekiston, 2011. -370 б.
5. Каримов И.А. Биз доим тарихдан сабоқ чиқариб, тинчликни кадрлаб, ғурур-ифтихор билан яшайдиган халқмиз. Т. Ўзбекистон. 2014.
6. Каримов И.А. Она юртимиз бахту истиқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш – энг олий саодатдир. Т. Ўзбекистон. 2015.
7. Сайидахмедов Н. Педагогик маҳорат ва педагогик технология. –Т.: ЎзМУ. 2003. 66 бет.
8. Толипов.Ў. Олий педагогик таълим тизимида умуммехнат ва касбий куникма ҳамда малакаларни ривожлантиришнинг педагогик технологиялари.-Т.: Фан: 2004.167 бет.
9. Шаршибоев Ҳ., Сувонов.О. ва бошқалар. Муаммоли таълимни ташкил этиш йўллари. //Методик қўлланма. Гулистон.2004.16 бет.
10. Мунавваров, Г.Хотамов, С.Умар, Ш. Хамраев "Дунёвий давлат ва дин" 1998
11. И.Абдуллаев. Дин ниқобидаги жиноятчилар "Ўзбекистон овози" 1998 й 2 март
12. Г.Эшонов "Дунёвийлик ва динийлик мувозанати" "Андижоннома" 1998 1 май
13. 11. "Диншунослик асослари" Тошкент 1995.
14. 17. У.Жўраев,Й.Саиджонов "Дунё динлари тарихи" Т. "Шарқ" 1998
15. Мўминов А., Йўлдошхўжаев Ҳ., Раҳимжонов Д., Комилов М., Абдусатторов А., Орипов А. Диншунослик. Дарслик / Масъул муҳаррир акад. Иброҳимов Н.И. - Т.: Меҳнат, 2004. - 296 б.
16. Зиёнет - www.ziyonet.uz
17. www.bilim.uz.

